



بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ

الحمد لله رب العالمين، والصلوة والسلام على خاتم النبيين، وعلى آله وصحبه أجمعين، أما بعدُ

ТИНЧЛИК ВА ХОТИРЖАМЛИК – УЛУҒ НЕЬМАТ!

Муҳтарам азизлар! Юртимизда истиқлол байрами тантаналари давом этмоқда. Алҳамдулиллоҳ, байрамни оилаларимиз даврасида, ёр-дўстлар билан тинчлик ва хотиржамлиқда нишонлаяпмиз. Тарихга назар ташланса, ҳамма даврда ҳам давлатнинг ривожланиши, тараққий топиши жамиятнинг фаровон ва осойишта ҳаёт кечиришига боғлиқлиги аён бўлади. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳадисларининг бирида тинчлик-хотиржамлик энг улуғ неъмат эканини таъкидлаб шундай деганлар: **“Икки неъмат борки, қўпчилик инсонлар унинг қадрига етмайдилар. У – хотиржамлиқ ва сиҳатсаломатлик”** (Имом Бухорий ривоятлари).

Куръоннинг 50 дан зиёд сурасидаги юзлаб оятларда мусулмонлар сулҳмуроса, тинчлик ва бағрикенгликка чақирилган. Мусулмонлар учун энг афзал амал ҳақида келган ҳадисда шундай дейилади: “Расулуллоҳ алайҳиссаломдан сўрадилар: “Эй, Аллоҳнинг Расули! Мусулмонларнинг афзали қайси киши?”. У зот алайҳиссалом: **“Қўлидан ва тилидан бошқа мусулмонлар озор топмаган кишиидир”, – деб жавоб бердилар**” (Имом Бухорий ривоятлари).

Демак, тинчлик ва хотиржамлиқ Аллоҳ таолонинг катта неъматларидан биридир. Қолаверса, барча эзгу ишлар рӯёбга чиқишининг боиси ҳам осойишталиkdir. Шундай экан, инсонлар нафақат мавжуд тинчликни қадрига етиб, шукрини адо этишлари, балки унга ношукрлик қилиб путур етказишдан ҳам сақланишлари лозим.

Халқимизда “Қўшнинг тинч – сен тинч” деган мақол бор. Халқимизнинг орзуси, мақсади битта – жаҳондаги барча мамлакатларда, элларда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурсин, одамлар бахтли ва фаровон ҳаёт кечирсин. Шунинг учун ҳам халқимиз Юртбошимиз бошчилигига доимо қўшни юртларда тинчлик бўлишини истаб келади. Бу айни динимизнинг ҳам ғоясидир. Аллоҳ таоло инсонни ер юзини обод қилиш учун яратди ва Ўзига ердаги ўринбосар қилди. Ерни куфру исён билан, бузғунчилик билан вайрон қилиш, мавжудотларнинг насл-уругини қуритишдан қаттиқ қайтарди. Бу ҳақда Куръони каримда шундай дейилади: **“Ерни (Аллоҳ хайрли ишларга) яроқли қилиб қўйгандан кейин (унда) бузғунчилик қилмангиз! Унга (Аллоҳга) ҳам қўрқинч ва ҳам умид билан дуо қилингиз! Аллоҳнинг раҳмати эзгу иш қилувчиларга яқиндир”** (Аъроф сураси 56-оят).

Муҳтарам жамоат! Мана юртимиз истиқлолига 30 йил бўлди. Албатта юртимизнинг истиқлоли ва тараққиётининг негизида тинчлик-тотувлик ҳамда 2021 йил – “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш” 33-Тезис

ўзаро ҳамжиҳатлик ётади. Ушбу ютуқларга эришиш ўзига яраша мاشақкат, қийинчилик, сабр ва матонат талаб этади. Умид қиламизки, ҳалқимиз фаровонлиги янада зиёда бўлиб бораверади. Чунки, Аллоҳ таоло Куръони каримда бандаларига бир қийинчилик ортидан албатта, енгиллик келишини баён қилиб, шундай деган:

فَإِنَّ مَعَ الْعُسْرِ يُسْرًا . إِنَّ مَعَ الْعُسْرِ يُسْرًا

яъни: “**Бас, албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир. Албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир**” (Шарҳ сураси, 5-6-оятлар).

Бу оятни тафсир қилган уламоларимиз албатта, бир қийинчиликдан кейин икки енгиллик бор, дейдилар. Тафсири Табарийда шундай дейилади: “Бу ояти карима нозил бўлганда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи вассаллам шундай деганлар:

أَبْشِرُو أَنَا كُمُ الْيُسْرُ، لَنْ يَعْلِمَ عُسْرٌ يُسْرَىٰ

яъни: “**Хурсанд бўлинглар! Сизларга енгиллик келади. Ҳаргиз бир қийинчилик икки енгилликдан устун келмайди**” (“Тафсири Табарий”).

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, динимизнинг тинчлика бўлган эътибори нечоғлик катта ҳамда бағри кенглик унинг негизидир. Инсон ўзидағи неъматнинг қадрини унинг устида мулоҳаза юритиш, шу неъматдан ўзгалар ҳам баҳраманд ёки бебахра эканлигини ўйлаб кўриш билади. Бу эса янада қўпроқ Аллоҳга шукр қилишга ундаиди. Неъматнинг бардавом бўлиши, унинг шукри адо этилишига боғлиқдир. Неъматнинг салмоғига қараб шукр ҳам ҳар хил бўлади. Баъзи неъматларнинг шукри тилда “алҳамду лиллаҳ” дейиши билан адо бўлса, бошқа хил неъматлар ҳам борки, уларнинг шукрини амалий тарздагина адо этиш мумкин.

Тинчлик ана шундай амалий шукр талаб қиласиган неъматдир. Бу неъматнинг шукрини адо этиш барчанинг зиммасидаги фарзидир. Кексалар тинчликнинг мустаҳкамлигини сўраб дуо қилишлари, ўрта ёшлилар ўзларининг ҳалол меҳнатлари, ёшлар эса уни асраш ва қадрига этиш борасида астойдил илм олишга ҳаракат қилмоқликлари билан бу неъматнинг шукрини адо этган бўладилар.

Ҳақ таоло барчамизни Ватанимиз тараққиёти ва фаровонлиги йўлида олиб бораётган хайрли ишларимизга ривож берсин, фарзандларимиз улуг аждодларга лойик фарзандлар бўлишини насиб айласин, дунё ва охиратимиз саодатига етаклайдиган амаллар қилишимизни насибу рўзи айласин! Омин!

Илова: Мұхтарам имом-домла! Раҳбариятнинг топширигига кўра, “Ёшларни ижтимоий иллатлардан сақлайлик!” жума тезиси кейинга қолдирилди ва унинг ўрнига “**Тинчлик ва хотиржамлик – улуг неъмат!**” мавзуси тасдиқланди. Уибу мавзуни янада бойитиб, атрофлича ўрганиб, жамоатга тасирчан услугда етказишингизни сўраймиз!